
Таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди

Бугун туманимиздаги барча таълим муассасаларида янги 2023-2024 ўқув йилининг илк қўнғироғи чалинди. Катта қувончлар билан кутиб олинган бу кунда "Билимлар куни" кенг нишонланди.

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов 1-умумий ўрта таълим мактабида ташкилланган тадбирда иштирок этди ва барчани давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги ҳамда янги ўқув йили билан самимий табриклади.

Жорий ўқув йилида 118 нафар нафар ўқувчи 1-синфларга қабул қилинмоқда. Туман ҳокими жажжи ўғил-қизларни қутлар экан, уларга Президент совғаларини топширди, эзгу тилаklarини изҳор қилди.

Таъкидландики, ўтган 2022-2023 ўқув йили мактаб жамоаси учун сермаҳсул бўлди: 52 нафар битирувчининг 27 нафари олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалikka қабул қилиндилар. Тадбирда сўз олганлар, янги ўқув йили ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар учун омадли кечишига тилак билдиришди.

Тадбирдан сўнг, анъанага мувофиқ, барча синфларда Мустақиллик дарслари ўтказилиб, ўқувчиларга истиқлол неъматини, унинг кадр-қиммати хусусида муҳтасар тушунчалар берилди.

Маълумот учун: жорий ўқув йилида тумандаги умумий ўрта таълим муассасалари 1-синфларига 4 минг 421 нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг барчасига "Президент совғалари" тантанали равишда топширилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-09-04 17:32:04